

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲАТЛАР, ХУСУСИЙ МУЛҚЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

Темирова Светлана Владимировна,
Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация

Мақолада Мустақиллик йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳатлар, Бозор иқтисодиёти, ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари, иқтисодий тизимди, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари тарихи тахлил этилган.

Таянч сўзлар: Бозор иқтисодиёти, товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш, қонун-қоида, тарих.

Истиқлол йилларида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳатлар юз берди. Республикализнинг бой имкониятлари, геосиёсий шароитларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш масаласи дастлабки кунларнинг энг муҳим вазифаси сифатида белгиланди. Бозор иқтисодиёти – бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир. Бундай иқтисодиёт эркин товар-пул муносабатларига асосланиб, унинг негизида товар ва пулнинг турли шакллардаги ҳаракати ётади, у иқтисодий монополизмни инкор этади. Бозор иқтисодиётида бозор алоқалари бутун тизимни, унинг барча босқичлари – ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини ҳамда иқтисодий муносабатларнинг барча субъектларини қамраб олади. Бозор иқтисодиётига ўтиш – бу шунчаки мақсад эмас, балки иқтисодда бозор муносабатларини шакллантириш, жамиятни янгилаш йўлидир, яъни иқтисодий фаолият эркинлигига, мулқчиликнинг хилма-хиллигига, нарх эркинлигига, рақобат курашига, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг қарор топишига, даромаднинг чекланмаганлигига эришиш демакдир. Фақат бозор муносабатлари заминидагина ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш, кўплаб сифатли маҳсулотлар яратиш, уларга бўлган талабни қондириш, тежамли хўжалик юритиш, тўкинчилик яратиш, халқнинг фаровон турмушини таъминлаш, ҳало ва самарали меҳнатни қадрлаш, адолат ўрнатиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти умумбашарий тизим бўлганидан ҳамма мамлакатлар шу йўлдан боради. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларининг уч йўли мавжуд, хусусан: биринчиси, классик йўли; иккинчиси, XX асрнинг 60 – йилларидан бошлаб мустамлакачилиқдан озод бўлган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг йўли; учинчиси, собиқ социалистик мамлакатлар ҳамда собиқ Иттифоқ республикалари. Собиқ Иттифоқ республикалари, жумладан Ўзбекистонда ўта марказлаштирилган ва ягона бир марказдан бошқарилувчи иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш зарурлиги қуйидаги босқичларни амалга оширишни тақозо этди, хусусан: **биринчидан**, иқтисодни эркинлаштириш, яъни хўжалик фаолиятини амалга оширишда давлат монополиясини бекор қилиш, ресурсларнинг марказлашган ҳолдаги тақсимотни тугатиш, нархларнинг асосан талаб ва таклиф нисбати асосида шакллантиришга ўтиш; **иккинчидан**, иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини яратиш, яъни, барча иқтисодий агентларнинг иш фаоллиги учун тенг имконият ва шароитлар яратиш, бозорга хорижий рақобатчилар кириши учун имкон бериш, бизнес ривожига ҳалақит берувчи маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш, табиий

монополияларнинг нарх ва маҳсулот сотиш сиёсатини тартибга солиш; **учинчидан**, институционал ўзгаришлар, яъни мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, жумладан, хусусий секторни яратиш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг янги тизимини яратиш, бозор шароитларига мос тушувчи хўжалик қонунчилиги яратиш; **тўртинчидан**, таркибий ўзгаришлар, яъни иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари таркибида олдинги тизимдан қолган номутаносибликларни юмшатиш ёки бартараф этиш, ички ва ташқи бозорларда тўловга қодир талабга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарилишини ривожлантириш; **бешинчидан**, макроиқтисодий, асосан, молиявий барқарорлаштириш, яъни, пул эмиссиясини чеклаш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш, ижобий фоиз ставкасини таъминлаш; **олтинчидан** аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бозор хўжалигига мос бўлган тизимни шакллантириш, яъни аҳолининг нисбатан муҳтоҷ қатламини аниқ ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиётiga революцион йўл билан, яъни жадал усулда ёки эволюцион йўл билан, яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда, туб ислоҳотларни ўтказиш, аввалги тизимни ва таркиб топган иқтисодий муносабатларни бирдагина ва батамом синдириш талаб этилиб, “караҳт қилиб даволаш” усули («шоковая терапия») деб аталади. Эски иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич янги бозор муносабатларига айлантира бориб, самарали бозор иқтисодиётини шикастсиз вужудга келтириш мумкин. Ислоҳотлар тажрибаси шуни кўрсатадики, эволюцион йўл камроқ ижтимоий ларзаларга олиб келади, анча изчил ва муқаррардир.

Хуроса ўрнида: Ўзбекистонда эса ўзига хос маданий, тарихий, иқтисодий ва табиий хусусиятларини ҳамда бу йўлдаги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда революцион тўнтаришларсиз, ижтимоий тўқнашувларсиз, ижтимоий ҳимояни кучайтирган ҳолда астасекинлик, лекин қатъиятлилик билан босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётiga ўтиш йўли танланди.

REFERENCES

1. Ислом Каримов. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1, Т., “Ўзбекистон”, 1996.
2. Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1, Т., “Ўзбекистон”, 1996.
3. Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., “Ўзбекистон”, 2011.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2019.
5. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т., “Ўзбекистон”, 2000.
6. Shamsutdinov R. O’zbekiston tarixi: o’quv qo’llanma. Т., “Sharq”, 2013.
7. Nosirov R. A. EDUCATIONAL PROBLEMS IN THE HISTORY OF CENTRAL ASIA //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 82-85.
8. Odilovich, Nosirov Rashod, and Yuldashev Bakhtiyor Ergashevich. "Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects." European Journal of Molecular and Clinical Medicine 8.1 (2021): 1388-1396.

9. Носиров, Рашод Адилович, Машхура Иномжановна Рахимова, and Светлана Владимировна Темирова. "Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили." инновации в педагогике и психологии 5.3 (2022).
10. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1974-1980.
11. Ramatov, J., & Umarova, R. (2020). Theoretical and ideological sources of beruni's philosophical views. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1974-1980.
12. Умарова, Р. Ш. (2019). Бытие и философские взгляды Абу Райхана Беруни. *Достижения науки и образования*, (3 (44)), 32-33.
13. Носиров Р. А. ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНИК ШАКЛЛАНИШИ //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 198-202.
14. Nosirov, R., & Mamajanova, G. (2022). International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 4, 86-88.
15. Adilovich, Nosirov Rashod. "History of the Sakas in Ancient Khorezm." (2022).
16. Adilovich, Nosirov Rashod. "Ethnic Formation of the Uzbek People." (2022).
17. Nosirov R. THE PLACE AND ROLE OF THE MASTER AMIR TEMUR IN WORLD HISTORY //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – Т. 9. – С. 203-205.
18. Adilovich, Nosirov Rashod. "THE STRATEGIC VALUE OF EDUCATION FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND TRAINING OF PROMISING PERSONNEL POTENTIAL." (2022): 183-186.
19. Nosirov, R. O., & Temirova, S. V. (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO 'NALISHI. Academic research in educational sciences, 3(TSU Conference 2), 242-248.
20. Насыров, Р. А. (2022). ИЗ ИСТОРИИ СОЗДАНИЯ КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. Academic research in educational sciences, 3(TSU Conference 2), 78-84.
21. Ramatov, J., Umarova, R., Sobirova, S., & Rakhimova, M. (2022). THE PROCESS OF CIVILIZATION AND IMPORTANT CHANGES IN LIFE. *Web of Scholars: Multidimensional Research Journal*, 1(6), 243-246.